



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG'OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Бог'от shaharchasi, О'zbekiston ko'chasi, 18-uy

2021 -yil 18 - Март

492k -son

Бог'от shaharchasi

Боғот туманида жойлашган 32, 35, 37, 40 ва 41-сонли мактабларига сув тозалаш ускуналари ўрнатишга рухсат бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 1 мартдаги “2021 йилги ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури параметрларини сифатли ва ўз муддатида амалга оширишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлари тўғрисида”ги 21-сонли раёсати мажлиси баёни 4-илоvasи ижросини таъминлаш мақсадида, режадаги объектларига ўрнатилган тартибда меъморий режалаштириш топшириғи (МРТ-1 ва МРТ-2) хужжатларини тайёрлаб бериш бўйича Хоразм вилояти ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясининг 2021 йил 3 мартдаги 08/327-сонли сўровномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 25-моддасига асосланиб:

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот туманида жойлашган 32, 35, 37, 40 ва 41-сонли мактабларига сув тозалаш ускуналари ўрнатишга рухсат қилинсин.

2. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан белгиланган муддатда “Меъморий режалаштириш топшириғи”ни (МРТ-I, II) тайёрлаб бериш ва қурилиш ишларини тасдиқланган лойиҳа хужжатлари асосида бажарилишини назорат қилиш вазифаси туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қурбонов)га топширилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Қуръязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими

Ш.Яхшибаев